



БУЮРТМАЧИ:

"ТЕРМИЗ МИНТАКАВИЙ ТЕМИР ЙУЛ УЗЕЛИ" ШУЪБА КОРХОНАСИ

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг меъёрлари ҳужжатлари бўйича саноат хавфсизлиги доирасида темирйўлчи ишчи ходимларининг таснифини ошириш
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Термиз шаҳри -2022 й.

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг меъёрлари ҳужжатлари бўйича саноат хавфсизлиги доирасида темирйўлчи ишчи ходимларининг таснифини ошириш Ёукитишга хизматига ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошланғич қиймати – 54 000 000 сум сўм. Ушбу қиймадан оргик қиймагдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун .

1.5 Ишларни бошлаш муддати шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 "ТЕРМИЗ МИНТАКАВИЙ ТЕМИР ЙУЛ УЗЕЛИ" ШУЪБА КОРХОНАСИ (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160108, Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,Ибн Сино кўчаси, уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "ТЕРМИЗ МИНТАКАВИЙ ТЕМИР ЙУЛ УЗЕЛИ" ШУЪБА КОРХОНАСИ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:
-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари,машина механизимлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фойздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажрағилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.